Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 14 декабрь, № 263 (7765) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ХОРАЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ» БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллабай тизимда йўлга қўйилган ислоҳотларнинг одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Урганч шаҳрида вилоят фаоллари ва тармоқлар мутасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида хоразмлик деҳқон ва фермерларни, бутун меҳнаткаш халқимизни Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан яна бир бор табриклади.

— Хоразмга бу йил иккинчи марта келяпмиз. Мақсад — сизларнинг кўзларингизга қараб, вилоятдаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, яна нима имкониятлар бор, қандай тартиб, қандай кўмак керак, нима натижа бўлади, деган саволларни қўйиб мулоқот қилиш. Баланд-парвоз гаплар билан иқтисодиётни юритиб бўлмайди. Муаммони билсак, қарор тўғри, адолатли бўлади, — деди Президент.

Давлат раҳбари "маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этилишини таъкидлади.

— Президент бир йилда бир келиб, кўриб кетгани билан натижа бўлиб қолмайди. Ҳар бир ҳоким, иқтисодий комплекс раҳбарлари ҳудуддаги муаммолар бўйича тизимли ишлаши керак. Четдан келиб биров қилиб бермайди. Мана, кеча Хоразмдаги шаҳар ва туман ҳокимлари билан гаплашдим. Қанча маблағ сўраса, бердим. Пулимиз кўплиги учун эмас, масала кўя олгани учун. Одамлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Маҳаллий Кенгашлар, маҳаллалар талаб қилиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар танқидий кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, кам таъминланганларни камбағалликдан чиқариш, маҳаллалардаги ижтимоий шароитларни яхшилаш каби долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Ҳар бир шаҳар ва туман, маҳаллаларда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, "ўсиш нуқталари" белгиланди.

Хусусан, Урганч шаҳрида тўқимачилик ва туризм, Хива шаҳрида туризм ва қурилиш материаллари, Гурлан туманида тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги, Янгибозор туманида иссиқхона ва мевасабзавотни қайта ишлаш, Тупроққалъа туманида машинасозлик ва электр техникаси каби йўналишларни ривожлантириш мумкинлиги қайд этилди. Шу йўналишларда ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бир ҳудудга вазирлик ва банклар раҳбарлари бириктирилди. Барча лойиҳалар 16 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

2021 йилда вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар бандлигини ошириш мақсадларига 500 миллиард сўм кредит ресурси ажратилиши маълум қилинди.

Хоразм учун драйвер соҳалардан бири — туризм. Шу боис вилоятда меҳмонхона ўринларини кўпайтириш, салоҳиятли мамлакатлардан Урганчга доимий ва чартер рейслар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Ички туризмни ривожлантириш учун транспорт хизматларини яхшилаш, хусусан, Фарғона водийсидан авиа ва темир йўл қатновини йўлга қўйиб, бунинг дастлабки даврида 30 фоизлик чегирма қўллаш бўйича кўрсатма берилди. Кейинчалик бу тажриба Термиз, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари бўйича ҳам қўлланилади.

Амударё устида Хоразмни Қорақалпоғистон билан боғлайдиган 413 метрлик кўприк, Қораўзак туманидан Шовот туманигача 79 километрлик темир йўл қурилиши айтилди. Яқин уч йилда 2 минг 370 километр ички йўлларни таъмирлаш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Келгуси йили вилоят бўйича 2 минг хонадонли 100 та кўп қаватли уй-жой барпо этиш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Таълим, тиббиёт, маданият соҳаларини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Президент йиғилишда хоразмлик ёшлар билан алоҳида суҳбатлашди. Ҳар бирини эшитиб, таклифлари бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

— Қийин даврда, мураккаб шароитда яшаяпмиз. Ана шу шароитда ҳар бир туман, ҳар бир маҳалланинг ўз ўрни, марралари бор. Хоразмнинг марраси баланд бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида бунёд этилаётган янги уйларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг эҳтиёжманд аҳолини тураржойлар билан таъминлашга оид Фармон ва қарорларига мувофиқ, "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмаси асосида мамлакатимизда кейинги тўрт йилда 46 минг 980 хонадондан иборат 1 минг 103 та кўп қаватли арзон уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, жорий йилда 4 минг 256 квартирали кўп қаватли уйлар барпо этилмоқда. Бу қанчалаб оилаларнинг орзу-ҳаваслари ушалади, дегани.

Хоразм вилоятида ҳам кам таъминланган оилаларга мўлжалланган тураржойлар қурилиши тегишли режа ва дастурлар асосида амалга оширилмоқда. 2020-2021 йилларда вилоятда 300 квартирали кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Жорий йилда 84 квартирали 2 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилди.

Айни пайтда Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида 216 хонадондан иборат 4 та 9 қаватли уйнинг қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Илгари ташландиқ бўлган бу жойда қисқа вақтда — тўрт ойда янги иморатлар қад ростлади. Қурилиш ишлари якунланса кейинги тўрт йилда Хоразм вилояти бўйича қурилган кўп қаватли уйлар 31 тага, улардаги хонадонлар сони 1 минг 617 тага етади. Мана шу рақамнинг ўзи вилоятда биргина соҳада амалга оширилган улкан ўзгаришларга яққол мисол.

Уйларни салоҳиятли қурилиш-пудрат ташкилотлари бунёд этмоқда. Хусусан, уйлардан бирини қураётган "Шиддат монолит" хусусий корхонасининг ишлари ҳам диққатга сазовор. Корхона раҳбари Темур Норбоевнинг таъкидлашича, хонадонлар тайёр ҳолда, ҳамма шарт-шароитлари билан бирга топширилади. Қулай томони, ушбу уйларни 7 фоизлик имтиёзли ипотека кредити асосида, 20 йилда тўлаш шарти билан олиш мумкин.

Мазкур уйлар монолит усулда, энергиятежамкор қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда. Ташқи қисми базальт қатлам билан қопланган, бу хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Баҳорда аҳоли мазкур уйларга кўчиб кириб, ҳудуд замонавий мавзега айланади.

Давлатимиз раҳбари уйнинг шоурумини кириб кўрди. Мебеллар, муҳандислик тармоқларининг сифатига эътибор қаратди. Кўп қаватли уйларга малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

— Кўп қаватли уйларни бошқаришни яхшилаш керак. Иситиш, канализация билан бирга ёнғин хавфсизлигини ҳам таъминлаш лозим. Илгари бу масалага эътибор қаратилмаган. Аммо бугунги талаб, шарт-шароитдан келиб чиқиб янги мавзеларни қуришда бу масалалар инобатга олиниши шарт, — деди Президент.

Шу ерда Хоразмда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, хусусан, Урганч шаҳрида янги уйлар, "Binary" халқаро университети учун янги бино барпо этиш, автомобиль йўлларини таъмирлаш, кўприк қуриш, коммунал хизматларни яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Президент табригини ўқиб…

КЛАСТЕР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ «ДРАЙВЕР»

Президентимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган байрам табриги тақдирини замин билан боғлаган, ердан ризқ-рўз ундираётган киши борки, қалбини тоғдек кўтариб юборди. Ахир унда соҳа ходимларининг меҳнати юксак эътироф этилиб, жумладан, шундай дейилган: "Дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган, эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган ғоят муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг фидойи меҳнати ва жасорати ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир".

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, аграр соҳасини модернизация ҳамда диверсификация қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Натижада амалиётга илғор ёндашувлар, инновацион усуллар жорий этилаётир. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг занжирли усулига асосланган кластерлар пайдо бўлгани бунга яққол мисолдир.

Мазкур янги тузилма ўтган жуда қисқа вақт ичида аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи куч — "драйвер"ига айланди. Бугун нафақат агросаноат мажмуи, балки у билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар истиқболи кластер услуби билан боғланяпти. Биргина пахтачилик мисолида айтадиган бўлсак, **жорий йилда республикамиз бўйича етиштирилган 3 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёсининг асосий қисми юртимизда фаолият юритаётган 97 та пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди.**

➡ 2

ЎЗАРО КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Бу йил парламент қуйи палатасида муҳим воқеа содир бўлди, яъни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги таклиф Олий Мажлис томонидан маъқулланди.

Муносабат

Қуйи палата депутатлари Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш амалий ва кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига чиқиш, ташкилот доирасида рўй бераётган муҳим жараёнларни янада чуқур тушуниш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Айни дамда ЎзЛиДеП фракцияси томонидан ушбу қарорни қўллаб-қувватловчи муҳим омиллардан бири — Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни изчил кенгайтириб бориш, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори эканидир. Шунингдек, ташкилотнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, унинг хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик географияси кенг эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

➡ 2

ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус



АҚШлик экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР НАФАҚАТ МАМЛАКАТ ФУҚАРОЛАРИ, БАЛКИ ҚЎШНИ ХАЛҚЛАРГА ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти 2020 йил 7 декабрь куни расмий баёнот бериб, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасидаги "Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати"дан чиқарилганини эълон қилди. Ушбу қарор Америка сиёсий, жамоат ва эксперт доиралари вакиллари томонидан ижобий баҳоланмоқда, деб хабар бермоқда "Дунё" ахборот агентлиги мухбири.

Ўзбекистон элчихонаси томонидан маълум қилинишича, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг табрик мурожаатида қуйидагилар таъкидланган: "Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни диний эркинликларга амал қилишдаги ютуқлари ва мамлакат махсус кузатув рўйхатидан чиқарилгани билан қутлайди. Биз Ўзбекистонни ушбу асосий ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда бошқаларга ўрнак бўлишга чақирамиз".

➡ 2

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Қонунларга асосланган ва қонунлар устувор мамлакат тез тараққий этади, халқи ҳам фаровон ҳаёт кечиради. Юртимизда кечаётган ҳаётбахш янгиланишлар, изчил ислоҳотлар жараёни бунга гувоҳлик бериб турибди.

Президентимиз Бош қомусимиз қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида бу ҳақда тўхталиб, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳасини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарурлигини қайд этди.

➡ 2

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ:

НАТИЖАЛАР ЯХШИ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Халқимизда "Саломатлик — туман бойлик" деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсон саломат бўлса, ўзига ҳам, оиласига ҳам, бутун жамиятимизга ҳам фойдаси тегади. Шу боис мамлакатимизда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Парламент назорати

Буни жойларда саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, фуқароларнинг умр давомийлигини узайтириш, соғлом авлодни тарбиялашда стратегик вазифалар ижроси борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар ҳам шу мақсадларга қаратилган бўлиб, улар оналар ҳамда болалар ўлимининг олдини олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишдаги натижаларимиз чакки эмас, аммо камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди…

➡ 2

АҚШлик экспертлар:

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР НАФАҚАТ МАМЛАКАТ ФУҚАРОЛАРИ, БАЛКИ ҚЎШНИ ХАЛҚЛАРГА ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРМОҚДА

1 Ушбу қарорга муносабат билдирган **АҚШ Хельсинки комиссиясининг ҳамраиси, сенатор Рожер Уикерга кўра,** Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида диний маҳкумлар озодликка чиқди, қатор диний ташкилотлар рўйхатга олинди ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг диний жамоалари таъқиби чекланди. Буларнинг самарасида мамлакат юксак эътирофга эришди.

1975 йил Конгресс томонидан ташкил этилган мазкур комиссия Хельсинки якуний акти ва ЕХҲТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилинган бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади ва рағбатлантиради.

Конгрессмен, шунингдек, Ўзбекистонни мазкур йўналишдаги ислоҳотларни давом эттиришга чақирди, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси (янги таҳрири)ни янада такомиллаштириш борасида ЕХҲТ ва Европа Кенгашининг Венеция комиссияси билан яқин ҳамкорлик қилишига умид билдирди.

АҚШнинг диний эркинликлар соҳасидаги махсус топшириқлар бўйича элчиси Сэм Браунбэк Давлат департаменти қарорига бағишланган телеконференцияда Ўзбекистон эришган муваффақият, диний эркинликларни таъминлашга қаратилган "муҳим ва таъсирчан қадамлар"ни алоҳида таъкидлади.

Элчи, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида қуйидаги шарҳни битган: "Давлат котиби Майкл Помпео Конгрессга алоҳида ташвишга соладиган мамлакатлар рўйхатини тақдим этди. Мен Судан ва Ўзбекистонни ушбу мамлакатларда диний эркинликлар соҳасида эришилган муваффақият ва бунинг самарасида улар махсус рўйхатдан чиқарилгани билан қутлайман".

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича қатор маслаҳатлашувларда қатнашган **Бригҳам Янг университети ҳуқуқий ва диний тадқиқотлар халқаро маркази директорининг ўринбосари, доктор Элизабет Кларк** ҳам мазкур қарорнинг муҳимлигини таъкидлади.

"Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини мамлакатни Давлат департаменти томонидан тузилган "Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати"дан чиқарилгани билан қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, — деди у. — Бу сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти ва парламентининг жиддий ва изчил саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи жуда муҳим воқеа бўлди. Уларнинг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилишдаги қатъиятини алоҳида эътироф этаман. Мен Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар жараёнида кўп нарсани ўргандим.

Эришилган ютуқлар нафақат Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига хизмат қилади, балки мамлакатни Марказий Осиё ва минтақадан ташқарида диний эркинликларни таъминлашдаги ўзгаришлар ҳамда етакчилик намунаси мавқеига кўтаришига ишончим комил.

Ўзбекистон фуқаролари учун қулайлик ва фаровонлик таъминлаётган изчил ўзгаришларнинг гувоҳи бўлганимдан жуда мамнунман".

АҚШнинг дунё бўйлаб диний эркинликларни тарғиб қилувчи жамоат ташкилоти — **Глобал жалб қилиш институти вице-президенти Жеймс Чен** АҚШ Давлат департаментининг қарори "Ўзбекистонда диний эркинликлар соҳасида эришилган улкан ислоҳотларнинг эътирофидир", дея таъкидлади.

"Бизга диний эркинликларни таъминлашда ҳукумат билан ишлаш ва мамлакат фуқаролари билан мулоқот қилиш имконияти тақдим этилди. Ўзбекистонга қисқа ташрифимиз чоғида улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлдик, — деди у. — Тошкент, Самарқанд ва бошқа ҳудудларда оддий одамлар билан суҳбатларда мамлакатда юқори суръатларда ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида эшитдик. Шу боис ушбу тараққиёт АҚШ ҳукумати томонидан тан олингани ҳайрон қоладиган воқеа эмас. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш биз учун шарафдир. Ҳамкорлик ва шериклигимиз яна узоқ йиллар давом этишига ишонамиз.

> «Бу сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти ва парламентининг жиддий ва изчил саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи жуда муҳим воқеа бўлди...
>
> ...Эришилган ютуқлар нафақат Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига хизмат қилади, балки мамлакатни Марказий Осиё ва минтақадан ташқарида диний эркинликларни таъминлашдаги ўзгаришлар ҳамда етакчилик намунаси мавқеига кўтаришига ишончим комил».

Ўзбекистон мамлакат тараққиёти жараёнида диний эркинликлар қандай таъминланиши мумкинлигини намойиш этиб, нафақат минтақа, балки бутун дунё учун намуна ва ўрнак бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг муҳим аъзоси сифатида Ўзбекистон фахрланса арзигулик натижаларга эришмоқда. Мен ўзбекистонликларни бу билан қутлайман".

"Кўп конфессияли қўшнилар тармоғи" ҳаммуассиси, Техас штати Норт Вуд черкови пастори Боб Робертс 2019 йил ноябрь ойида АҚШ диний етакчилари, экспертлари ва расмийларидан иборат йирик делегация таркибида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

"Ўзбекистон АҚШ Давлат департаментининг назорат рўйхатидан бутунлай чиқариб ташланганидан чин дилдан хурсандман, — деди у. — Бу хушхабар. Лекин энг эътиборга молик жиҳати — мамлакат қўлга киритаётган салмоқли муваффақиятдир.

Ўзбекистон бу борада икки йил олдин дастлабки натижаларга эриша бошлади. Мен мазкур жараённинг гувоҳи бўлганман. Ўтган йил мамлакатда имомлар, руҳонийлар ва раввинлар билан учрашув чоғида уларнинг ўртасида мустаҳкам муносабатлар ҳамда алоқалар ўрнатилганини кўрдик. Сиз нафақат ўзингиз учун, балки сизни ўраб турган халқлар учун ҳам қилаётган ишларингиз мамнуният ҳисларини уйғотади".

«Дунё» АА.
Вашингтон

КЛАСТЕР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ «ДРАЙВЕР»

1 **Муваффақиятнинг бош омили**

Кластер қайси омиллар ҳисобига ривожланяпти, деган савол туғилиш табиий, албатта. Бу ҳақда тўхталганда қуйидаги энг муҳим жиҳатларни алоҳида санаб ўтиш, кифоя.

Биринчидан, кластер усулида маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчилар манфаатларининг муштараклиги таъминланяпти.

Иккинчидан, у ўзида чигит экишдан тортиб, пахта етиштириш, уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишгача бўлган "занжирли" ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳалқаси яратилмоқда.

Учинчидан, кластер иштирокчилари қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш эвазига соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда ташаббускор бўлишяпти.

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш орқали уларнинг бой ва фаровон яшаши учун қулай муҳит яратиб берилаётир.

Мавсумий ишчи тушунчасига барҳам бериляпти

Президентимиз табригида пахтадан мўл ҳосил етиштиргани илғор субъектлардан бири сифатида эътироф этилган Қуйи Чирчиқ туманидаги "ТСТ Cluster" кластери янги тузилманинг афзалликларини амалда исботлади.

Гап шундаки, ушбу туманда кластер усулига ўтилмасидан олдин пахтадан гектарига 11 — 13 центнердан ҳосил олинган, холос. Экин майдонлари кластер ихтиёрига берилгач, биринчи мавсум — 2019 йилнинг ўзида гектаридан ўртача 35 центнердан пахта етиштирилиб, ялпи ҳосил 30 минг тоннадан ошди. Бу йил эса 10 минг гектарда ғўза парваришланиб, биринчи терим якунланмасдан туриб, шартномавий режадаги 34 минг тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олинди. Мавсум якунлари бўйича ўртача ҳосилдорлик 41 центнердан ошди. Бу масаланинг бир жиҳати.

Унинг иккинчи томони шундаки, туманда фермер хўжаликлари давридаги ишчилар сони 898 нафарни, ўртача иш ҳақи эса 550 000 сўм бўлган бўлса, "ТСТ Cluster"да 8 600 та иш ўрни яратилди, ўртача иш ҳақи эса 4 марта оширилди. 2019 йилда фермер хўжаликлари давридаги 7,9 млрд. сўмдан 6 баробар кўп ёки 28,7 млрд. сўм солиқ тўловлари тўланди. Мана, кўряпсизми, кластернинг афзалликлари нимада?

Энг муҳими, пахта-тўқимачилик кластерида мавсумий ишчи деган тушунчага барҳам берилаётир. Кластерларда одамларнинг йил — 12 ой бандлиги таъминланяпти. Улар худди завод ва фабрикалар ишчиларидек, қишин-ёзин меҳнат қилиб, ойлик маош олишмоқда.

Катта ишонч ва ғамхўрликнинг юксак намунаси

Шунинг учун кластерлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, қулай агробизнес муҳити яратилмоқда. Биргина 2020 йилда қабул қилинган 5 та қонун, Президентимизнинг 12 та Фармони ва 30 дан ортиқ қарори, шунингдек, ҳукуматнинг қўплаб қарорлари мазкур соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш, қўшимча эркинлик ва енгилликлар беришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари" уюшмаси ташкил этилгани эса кластер иштирокчиларига бўлган катта ишонч, ғамхўрликнинг юксак намунаси бўлди. Бундай эътибор бизларни руҳлантириш билан бирга, зиммамизга масъулият ҳам юкламоқда. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, қўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш йўлида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан энг муҳими, бу — илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришдир.

Ҳаммаси илмга асосланади

Тажриба шуни кўрсатяптики, илм-фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланмаса муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу боис бугун кластер ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида дастлабки муҳим қадам ташланди. Яъни **мамлакатимизда биринчи бўлиб Бухородаги "ВСТ Cluster" ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилди. Унинг доирасида дуал таълим тизими амалиётга жорий қилиниб, келгусида кластер талабидан келиб чиққан ҳолда, барча бўғиндаги мутахассислар тайёрланадиган бўлди.**

Яна бир янгилик шундан иборатки, Президентимизнинг ғояси асосида юртимизда фаолият юритаётган кластерлар қошида Илмий марказлар, Илмий-техник кенгашлар ташкил этилмоқда. Уларга соҳанинг етук олим ва профессорлари, ёш тадқиқотчилар жалб этиляпти. Пировардида деҳқончиликка интенсив технологиялар, илғор усуллар қўлланилмоқда. Шунингдек, барча агротехника тадбирлари илмий асосда амалга ошириляпти. Бунинг ҳисобига уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари — мухтасар айтганда, моддий ва табиий ресурслар тежалишига эришилиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда.

Хорижий давлатларда 100 та савдо нуқтаси очилади

Пахта-тўқимачилик кластерларининг изланишлари туфайли кейинги пайтда янги миллий брендлар яратилиб, Ўзбекистон маҳсулотлари дунё бозорларини забт этмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Бухородаги "ВСТ Cluster" кластерининг бешта фабрикадан иборат тўқимачилик мажмуасида тайёр жинси кийим-кечаклари ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилгани ва миллий бренд яратилганига алоҳида тўхталиш жоиз. Бу ерда тайёрланаётган органик тўқимачилик маҳсулотларни харидорларга тўғридан-тўғри етказиб бериш мақсадида республикамиз ҳудудида 50 та савдо дўкони очиляпти. Уларнинг дастлабкилари ҳозирги пайтда фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, **Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчихоналари кўмагида хорижий давлатларда 100 та савдо нуқтасини ташкил этиш режалаштирилган. Айни вақтда Германиянинг Мюнхен, Дрезден каби йирик шаҳарларида дастлабки 7 та савдо дўконини очиш саъй-ҳаракати олиб борилмоқда.** Бундай савдо тармоқлари яқин истиқболда Европа давлатлари, Болтиқбўйи республикалари, Япония ва ҳатто жинси ватани бўлган АҚШда ҳам фаолиятини бошлайди. Пировардида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йилига ўртача 20 — 25 миллион евро миқдорида валюта тушумига эришилади. Бу миллий брендларимиз яқин йилларда дунёни эгаллашидан бир нишонадир.

Олдимизда устувор вазифалар турибди

Тўғрисини айтиш керак, қўлга киритилаётган ютуқлар баробарида, ҳали кластерлар, уларнинг бошини бир жойга қовуштираётган "Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари" уюшмаси олдида муҳим вазифалар, улкан ишлар турибди. Президентимиз кластер усулига Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги, дея катта ишонч билдирган экан, биз, пахта-тўқимачилик кластерлари иштирокчилари ана шуни оқлаш учун амалиётга йирик инновацион лойиҳаларни татбиқ этиб, қишлоқларни обод, одамлар турмушини фаровон қилишга ҳаракат қилаверамиз.

Юртимизда ажойиб айём — ризқ-рўзимиз бунёдкорларининг касб байрамлари нишонланди. Республикамиз барча ҳудудида кенг тантана қилинган "Ҳосил байрамлари"да жорий деҳқончилик мавсуми сарҳисоб қилиниб, келгуси йил режалари тузилди. Фурсатдан фойдаланиб, Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан ушбу соҳада меҳнат қилаётган фидойи деҳқонлар ва кластер иштирокчиларини чин дилдан табриклаймиз! Уларнинг ишига унум ва барака тилаймиз!

Муртазо РАҲМАТОВ,
«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, сенатор.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

1 Қонунчиликни такомиллаштириш ва бу улуғвор вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши лозимлиги айтилди. Бу борада иқтисодиётимизга, ижтимоий ҳаётимизга тушов бўлаётган, мамлакатни ич-ичидан емирилишига олиб келаётган энг катта хавф, бу — коррупция эканлиги айтиб ўтилди.

Масалан, кейинги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1 986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини англатиб турибди.

Мазкур соҳада фаолиятимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси устида иш олиб борилаётгани ҳам сўзимизга яққол мисол бўла олади.

Умуман, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун барча тизим ва бўғинлар бирдек ишлаши ҳамда шу жонажон юрт манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиши лозим. Бинобарин, фидойи ва жонкуяр шахслар қанча кўпайса, юртимиз ҳам шунча тез тараққий этади.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВДА МУҲИМ ҚАДАМ

Жорий йил 11 декабрь куни халқаро ҳамкорлик ва мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суриш борасида жуда муҳим воқеа бўлиб ўтди. Президентимиз Евроосиё Олий иқтисодий кенгаши мажлисида иштирок этди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикасига Евроосиё иқтисодий иттифоқида (ЕОИИ) кузатувчи мақомини бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу ташкилот билан ҳамкорликнинг республикамиз учун устувор бўлган йўналишларини белгилаб, ўзаро муносабатларни ривожлантириш мамлакатларимиз миллий манфаатларига мос келиши, тенг ҳуқуқлилик, манфаатдорлик каби тамойилларига асосланган бўлиши кераклигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда иқтисодий интеграция дунёнинг аксарият минтақаларида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига имкон берадиган объектив жараёнга айланган. ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун иқтисодий интеграциянинг истиқболли йўналишларидан бири. Мисол учун, мамлакатимиз товарлари экспорти ва юклар транзитининг катта қисми ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг ЕОИИдаги кузатувчи мақомидаги иштироки мамлакатимизнинг бошқа давлатлар ҳамда кўп томонлама халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Бундан ташқари, ушбу мақом ЕОИИда юз бераётган жараёнларни, қарорлар қабул қилиш механизмларини ва уларнинг ички бозорлар учун оқибатларини "ичкаридан" синчиклаб ўрганишга имкон беради.

Қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи давлат мақомини олиши республиканинг глобал иқтисодиётга интеграциялашувини чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Бу эса, шубҳасиз, фуқаролар фаровонлигини янада оширишга қўшимча шарт-шароитларни яратиб беради.

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ:

НАТИЖАЛАР ЯХШИ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

1 Шу каби муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида мазкур соҳадаги ишларнинг бориши парламент томонидан ҳам назоратга олинган. Жумладан, Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси томонидан оналик ва болаликни муҳофазалаш, аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида бажарилган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш давомида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичини қисқартириш бўйича қилинган ишларга алоҳида эътибор берилди. Аниқланишича, оналар ўлими интенсив кўрсаткичи ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан 2018 йилда 155 нафар қайд этилган бўлса, 2019 йилда 145 нафарни ташкил этган, яъни 6,7 фоиз камайган. Гўдаклар ўлими интенсив кўрсаткичи эса ҳар 1000 чақалоққа нисбатан 2018 йилда 9,6 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда 8,4 фоизни ташкил қилган, яъни 1,2 фоиз камайган.

Фарзанд дунёга келиши ҳар бир оила учун катта хурсандчилик. Шу сабабли ҳомиладорлик соғлом ва ўз вақтида бўлишига мутахассислар катта эътибор қаратмоқда. Натижада вояга етмаганлар орасидаги туғуруқлар сони 39 фоизга ва бир йиллик муддат орасидаги туғуруқлар эса 12 фоизга камайган. Шунингдек, кутилмаган ҳомиладорликларнинг олдини олиш бўйича туғиш ёшидаги аёлларни замонавий контрацептив воситалар билан таъминлаш ишлари ҳам фаол йўлга қўйилган. Мунтазам равишда ногиронликнинг олдини олиш, ирсий касалликларни аниқлаш бўйича ҳам текширувдан ўтказилмоқда.

Буларнинг барчаси яхши. Аммо ҳомиладорликни сақлаб қолиш, болаларнинг асорат ва нуқсонларсиз туғилишини таъминлаш бўйича тадбирлар, муолажа ҳамда хизматлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги натижасида асоратли ва нуқсонли туғуруқлар 2018 йилдагига нисбатан 2019 йилда Тошкент вилоятида 88 фоизга, Самарқандда 21 фоизга, Андижонда 9 фоизга ортгани ташвишли ҳолдир.

Оналар ўлимининг олдини олиш бўйича яхши натижаларга эришилган бўлса-да, 2020 йилнинг 9 ойи давомида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Булунғур, Нарпай туманларида бу борада салбий кўрсаткичлар қайд этилган.

> «Фарзанд дунёга келиши ҳар бир оила учун катта хурсандчилик. Шу сабабли ҳомиладорлик соғлом ва ўз вақтида бўлишига мутахассислар катта эътибор қаратмоқда. Натижада вояга етмаганлар орасидаги туғуруқлар сони 39 фоизга ва бир йиллик муддат орасидаги туғуруқлар эса 12 фоизга камайган.»

Ўрганиш давомида иқтисодий жиҳатдан қийин шароитдаги оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, Тошкент вилоятида вояга етмаган 15 — 17 ёшли қизлар ўртасида туғуруқ ҳолати бир йилда икки бараварга, Самарқандда эса 27 фоизга ортгани ҳам аниқланди. Ушбу масалаларнинг сабаблари ўрганилганда, эрта туғуруқ ҳолати содир бўлган қизларнинг руҳий ҳолати, улардаги ўзгаришлар ҳақида ота-она, таълим муассасаси ва маҳалла фаоллари ўз вақтида хабар топмагани, улар таълим олаётган муассасаларда психологик ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилмагани маълум бўлди.

Шунингдек, Андижон вилоятининг Асака ҳамда Шаҳрихон, Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Иштихон ҳамда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларида кўп тармоқли тиббиёт марказларида тиббий буюм ва ускуналарнинг етишмаслиги, зарур шароитлар яратилмагани сабабли аҳоли ўртасида аниқланган юрак-томир, онкологик, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликларни даволаш имкони чеклангани ҳам бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат бериб турибди.

Турли касалликлар натижасида ўлим ҳолатлари ўрганилганида, уларнинг 78 фоизи юқумли бўлмаган касалликлар туфайли юзага келиши аён бўлди. Айниқса, 30 — 69 ёшдагиларда, биринчи навбатда, қон айланиш тизими, жумладан, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония ва унинг асоратлари, улардан кейин хавфли ўсмалар, қандли диабет ҳамда нафас олиш аъзолари касалликлари кўп учрамоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, бу масалалар яқинда бўлиб ўтган Парламент комиссияси йиғилишида ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Мазкур масала бундан кейин доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

ЎЗАРО КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

1 Шу йилнинг 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги йиғилишида қатнашди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини бериш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилингани диққатга сазовор. Бу қуйи палата қарорининг амалда бажариш йўлидаги мантиқий қадам бўлди.

Тадбиркорлар ва фермерларнинг фикрича, Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида маҳсулотларни экспорт қилиш бозорларига эга бўлади, инвестицияларни ошириб, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасидаги кооперацияни ривожлантиради.

Меҳнат ресурсларининг юқори даражадаги мобиллиги Евроосиё минтақасига хос хусусиятдир. Меҳнат миграцияси соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш аҳоли бандлиги билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни ҳал қилиш ҳамда иштирокчи давлатлар иқтисодиётларининг малакали мутахассисларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман, Ўзбекистонга Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи давлат мақомининг берилиши ўзаро кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатларимиз иқтисодиётининг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, савдо муносабатларидаги тўсиқ ва ғовларни биргаликда бартараф этиш, янги бозорларни шакллантириш имконини беради.

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Унинг ҳаётимиздаги аҳамияти қандай?

Бугун мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш чоралари белгилаб олинган. Бинобарин, рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда.

Нуқтаи назар

Аслида, рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Қисқача айтганда, у иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими ҳисобланади. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

Фикримизни оддий тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Айтайлик, харидорга пойабзал керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу — анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлаши ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиши рақамли иқтисодиёт дейилади. Шу маънода, оладиган бўлсак, бугун ҳаммамиз, аллақачон, рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Муҳими, рақамли иқтисодиёт одамларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади.

Шунингдек, у коррупция ва "хуфя" иқтисодиётнинг асосий кушандаси. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузишнинг, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ҳамда қинғир ишларга йўл бермайди. Бу имконсиз. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, шифохоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. "Рақамли технологиялар" томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса ончалик тайёр эмаслар. Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ҳамда молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Рақамли иқтисодиётни ташкил қилишга иккита бир-бирига қарама-қарши ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиёти. Реал ҳаётда амалга ошириладиган барча стратегиялар бу икки ёндашувнинг комбинацияси ҳисобланади. Ушбу номлар танлаб олинганлиги бежиз эмас, худди шу тариқа улар режа иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти билан боғлиқ тасаввурлар уйғотиши ҳам бежиз эмас. Рақамли иқтисодиёт ташкил қилишга бозор ёндашувида кўзда тутиладики, давлат оптимал шароитлар, биринчи навбатда, рақамли иқтисодиёт шаклланиши учун қулай муҳит яратади ва бу билан бизнеснинг янги секторга ўтишини рағбатлантиради. Оптимал шароитлар норматив-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий характердаги ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ва технологик база мавжудлигини кўзда тутади. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий самараси сезиларли даражада унинг қўламига боғлиқ эканлиги сабабли, ушбу ёндашувни амалга ошириш учун етарли миқдордаги мустақил иқтисодиёт субъектлари — хусусий бизнеслар мавжудлиги зарурий шарт ҳисобланади.

Янги муҳитга тушиб қолгач, хусусий бизнес давлат ривожланиш институтлари билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиёт муҳитининг янада ривожланишини рағбатлантиради. Умумий ҳуқуқий майдонда кўплаб ўсиш нуқталари шаклланиб, уларнинг ҳар бири мос келувчи саноат ёки компания манфаатларига жавоб берадиган ўзига хосликдан иборат бўлади. Аста-секинлик билан кенгаяр экан, ўсиш нуқталари рақамли иқтисодиётни барча фаолият соҳаларида амалга оширган ҳолда бор маконларни тўлдирадиган "мозаика гилами"ни ҳосил қилади ва бу мазкур ёндашувнинг асосий устунлиги ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётни ташкил қилишга режа асосидаги ёндашув давлат раҳбарлиги кўрсатмалари асосида рақамли инфратузилманинг босқичма-босқич ривожланишни ва мос келувчи секторларни турли иқтисодиёт субъектлари билан мақсадли йўналтирилган тарзда "тўлдириш"ни назарда тутади. Бунда рақамли иқтисодиёт фаолият кўрсатиши учун технологик базис ва инфратузилма шакллантириш хусусий бизнеснинг (биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнеснинг) ривожланишига хизмат қиладиган шароитлар яратиш билан бир вақтда (ёки ундан олдин) рўй беради. Режали ёндашув доирасида технологик базистор йўналишда, режа асосидаги рақамли иқтисодиётнинг устувор йўналишларига мувофиқ ривожланади. Қолган технологиялар ёки суст ривожланган бўлади ёки импорт қилинади. Иккинчи ёндашувнинг асосий устунлиги яратилаётган инфратузилма базасининг универсаллиги ва тезкорлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дея номланиши ҳамда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастури ишлаб чиқилгани Ўзбекистон бу борада ўз олдига аниқ мақсадларни қўйганини англатади.

Алишер ҚОБИЛОВ,
иқтисодиёт фанлари номзоди.

ТОМДАГИ ИССИҚХОНА

ЁХУД АНДИЖОНЛИКЛАРГА ХОС ЯНА БИР ТАШАББУС

Андижон вилоятининг аҳолиси зич, ер майдони кам бўлгани учун ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, бир йилда тўрт мартагача ҳосил олаётганини билар эдиг-у, бироқ томда деҳқончилик қила бошлашганини эшитмаган эканмиз.

Тажриба

Пахтаобод туманидаги Санграобод маҳалласида истиқомат қилувчи Сарварбек Маъмуров молхонасининг 5 сотихлик том қисмида иссиқхона ташкил этгани тўғрисидаги хабар бизни ҳам манзил сари чорлади.

— Нега томда деҳқончилик қиляпсиз? Ерда ер етишмаяптими? — ҳазиломуз савол билан юзландик Сарварбекка.

— Биласизми, томорқамизда помидор етиштиргандим, — дейди у саволимизга жавобан. — Даромади янги лойиҳаларни амалга оширишимга туртки бўлди. Қарасам, бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Шунинг учун сигирлар парваришланаётган бинонинг том қисмида иссиқхона барпо этдим.

Аслида ҳам Сарварбекнинг бу лойиҳага қўл уриши бежиз эмас. У Россия Федерациясининг Ульяновск шаҳридаги Қишлоқ хўжалиги академиясида беш йил таҳсил олган. Амалиёт даврида Россияда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бевосита танишиш имконига эга бўлди. Унинг эътиборини тортган жиҳат шундаки, аксарият қишлоқларда иссиқхоналар биноларнинг том қисмида ташкил этилган экан. Бунинг эса ўзига хос сабаблари бор.

Масалан, томдаги иссиқхонада ердаги иссиқхоналардаги каби захлик масаласи муаммо туғдирмайди. Қолаверса, иситиш осон. Яъни 5 сотихдан иборат ердаги иссиқхонани иситиш учун бир кечакундузда 300 кг. кўмир кукунидан фойдаланилса, томдаги иссиқхона учун 200 кг. ёнилғи сарфланади. Хонани шамоллатиш жараёни ҳам осон кечади ва табиий иссиқлик юқорида ердагига нисбатан мўл бўлади.

Демак, иссиқхоналар қанча юқорида жойлашган бўлса, уларни иситиш масаласи шунчалик осон ҳал этилади. Бундан ташқари, иссиқхона уч қаватдан иборат плёнка остига олингани боис қуёшли кунларда иситиш воситаларига ҳожат йўқ. Бу сарфланиши лозим бўлган 200 кг. кўмир кукунини ҳам иқтисод қилиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, бу каби масканларда парваришланаётган ўсимликлар касалликка кам чалиниб, ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Таҳсил давомида бу бўйича етарли билим тўплаган ёш мутахассис Андижонга қайтгач, аввало, иссиқхона учун жой ҳозирлади. Бунинг учун 160 миллион сўм маблағ сарфлади. Экилган 2 минг 200 туп қалампир кўчатлари 20 кун ичида гуллашни бошлади. Агротехник қоидаларга риоя қилинса, февраль ойидан то июль ойига қадар ҳосил олиш мумкин. Ҳар бир кўчат ўртача 5 кг.дан ҳосил тугади. Қалампир йиғиб олингач, ўрнида помидор ёки бодринг етиштириш имкони мавжуд.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, иссиқхонани барпо этишга кетган харажатлар қалампир ҳосилидан олинган даромад ҳисобига қопланади. Кейинги ҳосил — соф даромад.

— Шу билан кифояланиб қолиш ниятим йўқ, — дейди Сарварбек Маъмуров. — Иссиқхона айни пайтда бир қаватдан иборат. Келгусида уни уч қаватга айлантираман. Шунда кўчатлар сони ҳам, даромад ҳам уч баробар ортади.

Ҳақиқатан ҳам, ёшлардаги билим ва изланувчанлик мана шундай тажрибаларни юзага келтириши билан эътиборга молик. Бу, аввало, мамлакатимизда тадбиркорлик кўламининг ортиши, даромад манбаининг кенгайиши ва албатта, аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига хизмат қилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
("Халқ сўзи").

Кўргазма

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида қишлоқ хўжалиги техникалари, технологиялари ярмаркаси ва саноат кооперацияси бўлиб ўтди.

ЗАМОНАВИЙ, ТЕЖАМКОР ВА ИХЧАМ

"Uz Truck & Bus Motors" автомобилсозлик корхонаси ҳудудида очилган ушбу кўргазма павильонларидан маҳаллий тадбиркорлар ишлаб чиқарган техника воситалари ҳамда ускуналар намойиши билан бирга, импорт қилинган ва жойларда фойдаланилаётган турли қишлоқ хўжалик техникалари ўрин олди.

Кўргазма давомида иштирокчилар қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш технологиялари билан яқиндан танишди. Шунингдек, соҳага оид зарур мосламалар, интенсив боғдорчилик учун суғориш тизимлари жиҳозлари, кимёвий ўғитлар, уруғлар, кўчатлар, препаратлар, витаминлар ҳам намойиш этилди.

Ярмарка вилоятда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари, кластерлар раҳбарлари ва томорқа ер эгалари ўзларига зарур замонавий, тежамкор ҳамда ихчам техникаларни бевосита сотиб олиш, шу билан бирга, банк кредити ёки лизинг орқали харид қилиш шартномаларини имзолаш, илғор технологиялар билан танишиб, тармоқ мутахассисларининг зарур маслаҳатларидан бахраманд бўлди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
("Халқ сўзи").

ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗ БРЕНДИМИЗНИ ЯРАТАМИЗ

Тахтакўпир туманида қоракўлчилик илмий-наслчилик тажриба станциясининг янги биноси фойдаланишга топширилди. "Мулк" овулида қад ростлаган ушбу иншоот учун бугунги кунда 4,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 1056 бош сур қўйлари олиб келинди. Шу билан бирга, 111,4 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, унинг асосий қисмида қўйлар учун озуқа экинлари етиштирилмоқда.

Интилиш

Эътиборлиси, ушбу тажриба станцияси ҳудудда чорвачилик билан бирга қоракўлчилик тармоғини ҳам ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

— Президентимиз томонидан қоракўл қўйларини етиштиришга қулай туманларда шу каби тажриба станцияларини ташкил этиш вазифаси белгиланган эди, — дейди Тахтакўпир туманидаги қоракўлчилик илмий-наслчилик тажриба станцияси раҳбари Шарап Акаев. — Негаки, бундай станция ҳудудда қоракўлчиликда наслчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш, қоракўл терилларини етиштириш ва яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Бу борада жамоамиз билан биргаликда амалга оширадиган вазифаларни белгилаб олганмиз. Унга кўра, 2025 йилгача чорва моллари сонини 10 мингга етказган ҳолда сур қўйларининг сонини кўпайтирмоқчимиз. Бу ўз-ўзидан маҳсулотни кўпайтириш ва сур терилларни экспорт қилиш салоҳиятини оширишга, шунингдек, жаҳон бозорида ўз брендимизни шакллантиришга замин яратади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Камолов тумандаги чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида бўлиб, чорвадорлар билан суҳбатлашди, уларнинг мурожаатларини тинглади.

Тахтакўпир туманида соҳада яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда чорванинг сонини ошириш, маҳсулдорлик сифатини яхшилаш, наслчилик ресурсларини яратиш ва сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда туманда жами 148 минг 852 бош қўй-эчки боқилмоқда. Уларни қишдан беталафот ўтказиш учун озуқа захиралари жамланган. Ўтказилган тадбирлар доирасида чорвадорлар оилаларидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Гайрат ОТАЖОНОВ
("Халқ сўзи").

Халқ билан мулоқот

«СИМЁҒОЧГА ЧУМЧУҚ ҚЎНСА ҲАМ «СВЕТ» ЎЧАРДИ...»

Тан олиш керак, авваллари электр энергияси таъминоти ҳақида сўз кетганда, одамларнинг "Кўчамиздаги симёғочга чумчуқ қўнса ҳам "свет" ўчади", дея нолиганини эшитардик. Яқин-яқингача Когон тумани "Сараён" маҳалла фуқаролар йиғини Сараён кўчасида яшовчилардан ҳол сўралса, улар ҳам шу эътирозни билдирар эди.

— Сиз сўраманг, мен айтмай қўя қолай, — дейди кўча вакили Ражаб Холназаров. — Ҳудудимиздаги трансформатор адашмасам, ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Эскиргани етмагандай қуввати ҳам ўзига яраша эди. Истеъмолчилар сони эса ошиб боряпти. Ҳозир кўчамизда юздан зиёд хонадонлар бор. Қиш яқинлашди, дегунича "Илоҳим, трансформатор куймасин, чироқ ўчмасин" деб юрак ҳовучлаб турардик.

Кўча аҳолиси бир эмас, бир неча йиллик бу муаммони ҳал этишни сўраб, анча-мунча идорага мурожаат қилди. Когон тумани Халқ қабулхонаси, туман 4-сектор раҳбари ўтказган сайёр қабулдан сўнг айтиш мумкинки, "муз ўрнидан жилди". Мурожаат жойида ўрганилиб, янги трансформатор ўрнатиш масаласи ижобий ечим топди.

— Бугина эмас, кўчамиз ободонлаштирилиб, кам таъминланган ўнта оиланинг уйи таъмирлаб берилди, — дейди Ражаб ака. — Табиий газ таъминоти ҳам яхшиланди. Кўча чироқлари ўрнатилди.

Дарҳақиқат, Халқ қабулхоналари ва сектор раҳбарларининг аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, сайёр қабуллар ўтказаётгани, жойлардаги муаммоларни ўрганиб, имконият даражасида жойида ечим топиб берилаётгани фуқароларнинг эртанги кунга ишончини оширяпти.

Халқ қабулхонаси мудири Саид Мирзаевнинг билдиришича, ҳозирги кунга қадар жами 1 509 та хонадон ҳамда 86 та ижтимоий объект ўрганилиб, аниқланган юздан ортиқ муаммолар ижобий ҳал этилган.

Сектор раҳбарларининг 104 маротаба ўтказган оммавий қабулларида икки мингдан зиёд жисмоний ва юридик шахслар қатнашиб, улар томонидан бўлган мурожаатларнинг 80 фоизга яқини қаноатлантирилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
("Халқ сўзи").

ЯНГИ ТИЗИМ

НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМЛАР ТАЙИНЛАНИШИДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳозирги пайтда кам таъминланган ва эҳтиёжманд фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга барча давлатларда энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Чунки адолатли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу тизимнинг самарали фаолият юритиши мамлакатнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Қарор ва ижро

Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий нафақа тўловлари тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, унинг амал қилиш механизмлари такомиллаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Президентимизнинг 2020 йил 4 августдаги "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида шу йилнинг 1 октябридан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ижтимоий нафақаларни тайинлашда инсон омилисиз оиланинг (фуқаро) муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширувчи ва назорат қилувчи, харажатлар ҳисобини юритувчи автоматлашган ахборот тизими ҳисобланади. У орқали замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда қонунчиликда белгиланган мезон ва меъёрлардан келиб чиқиб, турли идоралардан олинган маълумотлар асосида аризачилар оиласига ижтимоий нафақалар тайинланади ёки тайинлаш рад этилади.

Мазкур ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам беришни кўриб чиқиш ҳамда тайинлаш тартиби ҳали янгилиги боис бу борада айрим мурожаатлар ҳам бўлаётир. Шу боис дастур қандай ҳолларда ижтимоий нафақани ёки моддий ёрдамни тайинлаши, рад этиши ҳақида қисқача тушунтириш бериб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги қарори билан Вақтинчалик низом қабул қилинган бўлиб, унга кўра фуқаролар ҳар ойнинг 1-санасидан 15-санасигача (яшаш жойи манзили бўйича (прописка жойи бўйича) Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғининг номига нафақа тури бўйича ариза ёзиб, аризасига айрим ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи орқали тақдим этишлари белгилаб қўйилган. Жумладан, паспорт, никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхалари, оила аъзоси таркибига кирадиган фарзандларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари ва оиланинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш амалиёти жорий этилган.

Низомнинг 7-бандига мувофиқ, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам оиланинг ҳар бир аъзосига жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича энг кам (679 330 сўм) миқдорининг 0,527 баравари (679 330*0.527 = 358 006 сўм)дан кўп бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлган оилаларга тайинланади.

Қуйидаги ҳолларда тегишли ижтимоий нафақани ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

— ариза берувчининг доимий ёки вақтинчалик прописканси йўқлиги;

— ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бандида белгиланган мезонлардан кўплиги;

— идораларо электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги;

— ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида:

ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги; жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжудлиги;

— даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охирги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги.

Ушбу кўрсатиб ўтилган талаблар қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

— бола уч ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан банд бўлган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

— таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно);

— ишламайдиган пенсионерларга, болаликдан ногиронлиги мавжуд шахсларга, шунингдек I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

— амалда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини (ўзини ўзи бошқариш органларининг оила таркиби ва иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотида ёритилиши лозим) юритиш билан банд бўлган оила аъзосига;

— ўзгалар парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётганларга;

— оиланинг "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида оилавий тадбиркорликда банд бўлган, бироқ ушбу дастур бўйича микрокредит олинган санадан бошлаб кўпи билан 12 ой банд бўлган аъзоларига;

— туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинганлар.

Кўрсатилган мезонлар асосида тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилса, ариза берувчига сабаблари кўрсатилган ҳолда СМС-хабар юборилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу тизимнинг жорий этилиши кам таъминланган ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатламига моддий таъминланишнинг шаффоф механизмини татбиқ этиш ва энг муҳими, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини самарали бошқариш имконини беради.

А. АККУЗИЕВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани бўлими бошлиғи.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 14 декабрь

Шукур Холмирзаев таваллудининг 80 йиллиги олдидан



Қор тушиши билан бизга жон кирарди. Тонг бўзарганда қарабсизки, милтиқ елкада, ҳали из тушмаган боғ кўчадан ғизиллаб кетиб боряпмиз тоққа қараб.

Гоҳ ўртоқлар билан чиқсак, гоҳо... якка ўзим чиқардим. У ерда Назрулла деган ўртоғимнинг томи — кекса толларга кўмилган уйлари бор. У ёлғиз онаси билан яшарди. Отаси урушда ўлган. Қизиқ бола эди у. Ким овга юр деса, эргашиб кетаверарди. Бу ёқда мактаб борми, дарс борми — ўйлаб ўтирмасди. Унинг милтиғи ҳам йўқ эди. Лекин у нолимас, онасига милтиқ олиб бер, демас, овга бораётганларга эргашиб кетаверарди. Овга боргач, кийимларимизни пойлаб, олов ёқиб ўтирар, овимиз барор олган бўлса, биздан ортиқроқ қувонарди.

Бир куни саҳарда айвонга чиқсам, лайлак қор ёғиб турибди. Шундай тез ёғяптики, чорпоя тагида чирқиллашаётган чумчуқларни ҳам кўриб бўлмайди.

Шоша-пиша уйга кириб кийиндим. Яримта нонни бўлиб, киссага солдим-да, милтиқни олиб, девор оша кетдим. Бундай вақтда биров кўрмасин дейсан. Лекин, албатта, кўради. Деворларнинг таги билан пишиллаб кетаётсам, тўп этиб елкамга бир лўмбоз қор тушди. Нарига ўтиб қарадим. Нурмат Качал деган одам курагининг сопини кўкрагига суяб қўйиб, ҳовучига куҳлаяпти.

— Овлар барор олсин! — деди у. Бош ирғадим.

— Пойлаб ўтирарканмиз-да? Илжайдим.

...Назрулла ухлаб ётган экан. Мени кўриб дарров гап нимадалигини тушунди.

— Ахир мактабинг бор-ку? — деди онаси.

— Мактаб қочиб кетмайди, энажон, — деди Назрулла.

Қор бўралайди. Тоғ кўринмайди. Лекин оёқларимиз адашмай олиб боряпти бизни. Дўнгликка чиқиб бордик. Бу ерда туман бор эди. Шунинг учун қор сийрак ва юмшоқ ёғарди. Атрофга қулоқ солдик. Каклик сайраши эшитилмади. Энгашиб, қорни кўздан кечирдик. Из ҳам йўқ эди.

— Шапалоқхонага борамиз, — деди Назрулла.

Бордик. Кириб чиқдик. Тошларга ёпишиб юрадиган чўпоналдарғич қушидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

— Ҳук дарага борамиз.

Кетдик. У ерда ҳам ҳеч нарсани учратмадик.

— Ҳайдар булоққа борамизми?

Кетдик. У ердаям каклик зоти йўқ эди.

Ҳафсаламиз пир бўлди. Куннинг қай маҳал бўлганини ҳам билиб бўлмасди. Осмон ҳам оппоқ. Бир камарга кириб, бодомчадан олов қилдик-да, нонларимизни чўғга иситиб едик.

— Мен катта йўл билан кетаман, — дедим Назруллага. — Милтиқ уйларингда туратурсин.

Келишдик. Бироқ қишлоққа олиб тушадиган, ярталабки дўнгликка чиққан ҳам эдик, чап томонимиздан "как-как... какиба-какиба..." деган овозларни эшитиб қолдик. Негадир мен жаҳл билан Назруллага "ёт!" дедим-да, чўнқайиб югура кетдим. Дўнгликнинг лабига — ердан ёриб чиққандай уюм тошлар ёнига бориб, пастга мўраласам, бир гала каклик турнақатор тизилиб, ёнбағирни қиялаб боряпти. Қоқ белини кўзлаб отдим. Какликлар чуғурлаб кўтарилди-да, қанотларини думлари томон қайиргранича дўнгликнинг орқасига ўтиб кетишди. Фақат биттасигина ерга туша бошлади. Отдим пастга ўзимни. Думалай-думалай, йиқила-сурила каклика етдим ва қўлларимни ёйиб, ўзимни унинг устига ташладим. Каклик қўлимда! У дириллайди, қуралай кўзларини жовдиратиб, қип-қизил оёғини таранг чўзади. Пичоқ Назруллада эди, унинг келишини ҳам кутмай тишим билан какликнинг кекирдагини узиб ташладим. Шу билан овимиз барор олиб кетди. Йўлда яна битта каклик отдик. Назрулланинг қувончини! Нуқул елкамга уриб, "яша, яша, жўражон!" дейди йиғламсираб. Шундай қилиб, иккита какликни белга осиб, қишлоққа қайтдик. Мен тўғри уйга кетмоқчи эдим, Назрулла қўймади:

— Исинайлик.

Онаси дарров кўрпача тўшади, печкага кўмир солди. Мен печь ёнига — пўстакка ўтириб, музлаб тарашадай бўлиб қолган шимим почаларини ўтга тоблай бошладим.

— Гўшт қовуриб берайми? — деди Назрулланинг онаси.

Мен "йўқ" дедим. Лекин қовурди. Еб бўлганимизда, кеч туша бошлаган эди. Этигимни кийиб, какликларим боғланган белбоғимга қўл чўздим-у, лекин томирларим тортиб қолди: "Ахир какликларнинг биттасини Назруллага беришим керакку! Мен билан кун бўйи юрди... Лекин берсам, унда битта каклик билан уйга кириб бораманми? Нурмат Качал кўрса, "Ҳа, аранг битта отдингми?" демайдими? Ёки "Аслида, отолмабсан-у, бирорта овчидан ялиниб олибсан-да", дейди. Ота-онам-чи?"

Белбоғни унутган бўлиб, этигимнинг қўнжини торта-торта эшикка чиқдим. Назрулла айвонда белбоғни чиқариб берди.

— Нима, икковиниям менга бермоқчимисан?

Кулимсиради. Ерга қараганча белбоғни белимга боғлай бошладим.

— Униси семиз экан, — деди Назрулла яланиб, — буниси ориқ экан, мазаси йўқ.

Мен миқ этмай белбоғни боғладим. Онаси билан хайрлашдимда, бу ёққа ўтиб какликнинг биттасини бераман, дегандай:

— Нарзи, сенга бир гапим бор, — дедим.

Дарвозадан чиққач:

— Хайр энди, — дедим. — Тезроқ боришим керак уйга.

— Ҳм... — деди Назрулла. — Лекин буниси жудаям оғир экан...

— Ҳа... — дедим ва кетдим. Лекин кўчага бурилаётиб, ўгирилиб қарадим. Назрулла бўйнини қашиб турар, менга пастдан тикиларди.

Орқа-олдимга қарайман, сакраб-сакраб кетаман, какликни кўпроқ қимирлатаман. Лекин Нурмат Качалнинг чорбоғига етгунча биронта ҳам йўловчи учрамади. Качалнинг дарвозасига етгач, тўхтадим-да, милтиғимнинг топтоза қўндоғини қор билан арта бошладим. Милини ҳам артдим... Йўқ, Качал йўқ. Керак бўлмаганда кўчаларда лапанглаб юрарди. Ҳозир йўқ. Жуда совуқ қотдим. Бор-э!

Уйга борсам, на онам бор, на отам!

— Бозорқўм холанг чақириб кетди, — деди момом.

Какликларни даҳлиздаги ташландиқ шкаф устига отдим-да, шарт ечиниб кўрпага кирдим.

Кун бўйи юриб бўлганимча бўлган эканман. Тошдек қотиб қопман. Ярталаб ҳеч кимга гап қўшмадим. Нонушта қилаётган эдик.

— Қалай, бўрими, тулкими? — деди отам.

Чурқ этмай даҳлизга чиқдим. Шкафнинг устига қўл чўздим. Ҳеч нарса илинмади. Стол қўйиб чиқиб бақдим. Ҳеч бало йўқ!

— Қани каклик? Момо?!

— Мен қандай билай, болажон! — деди бувим. — Менга берган бўлмасанг. Гапгаям жавоб бермадинг-у.

Эшикка отилдим. Боғнинг адоғидан, лойхонадан топдим... патларини... Сўнг милтиқни ўқлаб, кун бўйи дераза ёнида ўтирдим. Мушук келмади. Эртаси бозор куни эди. Қор тинган. Яна милтиқ олиб тонгда йўлга тушдим. Назрулла ҳовлилари саҳнидаги қорни кураётган экан. Мени кўриб, қизарган бурнини бир тортди-да, ишини қилаверди.

— Нарзи... Юр, — дедим. У бош қимирлатди.

— Бугун отганимнинг ҳаммаси сеники, — дедим. Назрулла бошини кескин кўтарди.

— Нима кераги бор! Зор эмасман! Гап... Гап кўнгилда, тушундингми? — деди у ва куракни қорга зарб билан санчиб уйига кириб кетди.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ХАВФСИЗ ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ

ЎРГАНИШГА АРЗИЙДИГАН ЖИҲАТЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ташаббуси билан ўзбекистонлик журналист ва блогерлар учун ташкил этилган "Пандемия шароитида туризм" лойиҳасида "Халқ сўзи" махсус мухбири ҳам иштирок этиб, ушбу мамлакатнинг сайёҳлик марказларида бўлиб қайтди.

Қуйида карантин чекловлари жорий этилган бир шароитда туризм индустрияси имкониятларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сафар таассуротлари билан танишасиз.

Дўстлик ришталари

Мўлжал — бир йилда 75 миллион турист!

Туризм Туркия иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан бирига айланган. Сайёҳлик индустриясининг ривожида ушбу давлатнинг географик жойлашуви муҳим роль ўйнагани табиий. Чунки у Осиё билан Европани боғлаб турган кўприк мамлакатдир. Аммо туристларни жалб этишда тарихий шаҳарлар, қадим манзил-маконлардаги антик маданият ўчоқлари, гўзал табиати билан бирга, сайёҳлар учун тақдим этилаётган юқори даражадаги сервис хизматлари ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этяпти, десак, айни ҳақиқат. Масалан, 2019 йилда ушбу давлатга ташриф буюрган сайёҳлар сони 50 миллион нафардан ошган. Бу йил-чи?

Туркия туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш агентлиги матбуот котиби Эркан Ягдининг айтишича, коронавирус пандемияси сайёҳлар оқими пасайишига жиддий таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Аммо "Соғлом туризм сертификати дастури" тизими амалиётга татбиқ қилиниб, ушбу мамлакатда ҳордиқ чиқармоқчи бўлган меҳмонлар учун хавфсиз шароит яратиб бериш чоралари кўрилди.

— Ҳозирги пандемия вақтида уч асосий бўлим ва 150 қисмдан иборат хавфсиз туризм дастури яратилди, — дейди Эркан Ягди. — Мазкур дастур асосида сайёҳларга хизмат қилувчи масканлар ишчи-ходимларининг малакаси оширилиб, халқаро сертификатлар берилди. Асосий эътибор ниқобда юриш, ижтимоий масофа сақлаш ва тозаликка қаратилди. Натижада карантин чекловлари амалда бўлган шу йилнинг ўзида 15 миллион сайёҳга хизмат кўрсатилди.

Сайёҳлик операторлари вакилларининг ишонч билдиришича, пандемия чекинишига кўп вақт қолмади. Шунинг учун улар танаффуздан сўнг кескин ошиши кутилаётган сайёҳлар оқимини кутиб олишга ҳозирданоқ жиддий тайёргарликни бошлаб юборишган. Бу бежиз эмас. Чунки айни ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилга бориб, Туркияга ташриф буюрувчи туристлар сони 75 миллионга етиши кутилмоқда.

Сайёҳлик марказининг «юраги»

Туркия Маданият ва туризм вазирлиги маълумотларига қараганда, сайёҳлар энг кўп ташриф буюрувчи дастлабки учликка Истанбул, Анталия ва Анқара киради. Шу боис ҳам ўзбекистонлик журналистлар дастлаб Истанбул шаҳрида бўлди.

Истанбул — Қора денгиз, Мармар денгиз ва Босфор бўғози қирғоқларида жойлашган кўркам шаҳар. Асосан, адирликлардан иборат кентда иморатлар жуда зич жойлашган. Чунки аҳоли нуфуси йил сайин ортиб бормоқда. Бугуни кунда шаҳар аҳолиси сони 16 миллионни ташкил этса, сайёҳлик мавсумида 6 миллион атрофида меҳмонларни ҳам қабул қилади.

Ушбу шаҳар йўллари нисбатан тор бўлса-да, қатновлар бир зум ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Аксарият йирик чорраҳалардаги уч-тўрт қаторли йўлўтказгичлар транспорт оқимини тартибга солишда енгиллик беради. Ҳайдовчилар ўзаро ҳурмат сақлаган ҳолда, ўз манзили томон шошади.

Айни пайтда карантин чоралари қучайтирилган бўлса-да, кўчалар гавжум, сайёҳлар сони ҳам кўп. Чет эллик туристларга карантин чекловларида кўплаб эркинликлар берилгани вақтни мазмунли ўтказишда қўл келади. Яъни улар дам олиш кунлари ҳам, кечки соат саккиздан кейин ҳам ҳаракатланишлари мумкин. Фақат ресторан ва тамаддихоналар фаолияти тўхтатилган. Сайёҳлар ўзлари жойлашган меҳмонхона ошхонасида тамадди қилиши мумкин, холос.

Истанбул гўзал табиати, тоза ҳавоси билан ҳам ажралиб туради. Асосан, нинабаргли дарахтлар экилган. Истанбул халқаро аэропортидан то шаҳаргача бўлган 35 километрлик йўлнинг атрофидаги қарағайзорларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Аммо дарахтлар у қадар баланд эмас, тарвақайлаб ўсганлари кўп. Шаҳар кўчалари атрофида эса манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилган бўлиб, айни пайтда гуллаб турибди.

Шаҳарнинг асосий транспорти воситалари автобус, трамвай ва метро ҳисобланади. Айниқса, метро маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун жуда қулай. Ўзида олти йўналиш, қарийб 90 та бекатни бирлаштирган 115 километрлик Истанбул метроси нисбатан чуқур экан. Бизга ҳамроҳлик қилган тарихчи Ҳидоят Шиннинг айтишича, айрим бекатлар 100 метргача чуқурликда жойлашган. Қизиқиб, ўшандай бекатлардан бирига тушдик. Бунинг учун тўрт босқичли эскалатордан фойдаланишга, яна анча жойгача яёв юришга тўғри келди.

Эътиборимизни тортгани, бирорта бекатда касса йўқ. Кираверишга бир нечта банкоматлар қўйилган, холос. Йўловчилар транспорт карточкасига шу ерда маблағ юклаб, метрога тушишади.

Энг гўзал меъморий обида

Истанбулнинг эски шаҳар қисми сайёҳлар билан ҳар доим гавжум. Сабаби бу ерда тарихий обидалар, гўзал масжиду мақбаралар сақланиб қолган. Улар орасида дунё сайёҳлари кўришни орзу қиладиган меъморий обида — Аё София масжиди.

Аё София Султон Аҳмад масжидининг шундоққина рўпарасида, Ҳуррам султон ҳаммомига туташ ҳудудда жойлашган. Манбаларда келтирилишича, у 537 йилда барпо этилган бўлиб, Римдаги Авлиё Пётр ибодатхонаси қурилгунига қадар христиан ибодатхоналари ичида энг йириги бўлган. Усмонийларнинг ёш ҳукмдори Султон Муҳаммад 1453 йилда Истанбулни фатҳ қилгач, мазкур черков масжидга айлантирилади. Шу тариқа Аё София Истанбул фатҳининг рамзи бўлиб қолган.

Туркиянинг биринчи президенти Мустафо Камол Отатуркнинг кўрсатмаси билан 1934 йилда Аё София масжиди музейга айлантирилади. Орадан 86 йил ўтгач, аниқроғи, жорий йилнинг 24 июлидан бошлаб масжид сифатида ўз эшикларини қайтадан очди. Бироқ 1985 йилда ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган мажмуа сайёҳлар учун ҳам доимо очиқ. Намозхонларга халақит бермаслик мақсадида фақат намоз вақтларида туристлар киритилмайди, холос.

Масжид ташқи тарафдан кўзга унчалик ташланмасада, ички қисми ғоят гўзал ва ҳашаматли. Ичкарига қадам ташлар экансиз, гумбазларидаги безаклар, деворларидаги нақшлар, маҳобатли қандиллар сизни бир зум сеҳрлаб қўяди. Биз масжиднинг баландлиги етти метрга тенг бўлган асосий дарвозасидан кириб, унинг ички безаклари, мавжуд шарт-шароитлар билан танишдик. Эътиборлиси, бу ерга эркаклар ҳам, аёллар ҳам, бошқа динга эътиқод қилувчилар ҳам кириши мумкин. Улардан сўраладиган ягона талаб — ички тартиб-қоидаларга амал қилиш. Масалан, ичкарига оёқ кийимлар ечиб кирилиши, профессионал объективларга фақат рухсатнома билан сурат олиш лозим...

Хуллас, вақт синовидан омон ўтган бу муқаддас маскан сайёҳларни ҳайратга солиб келаётган Туркиядаги энг муҳим туристик объектлардан бирига айланган.

Ундан ўнғроққа, аниқроғи, Мовий масжид номи билан машҳур бўлган Султон Аҳмад масжиди томон юрсангиз, қадимий Отчопардан чиқасиз. Майдонининг саҳни 400 метрга 120 метр бўлиб, 100 минг томошабинга мўлжалланган. Ушбу майдонда илгари турли от ўйинлари, мусобақалар, чавандозлар баҳси ўтказилган.

Айни пайтда майдон узра иккита тош ва битта темир устун қад ростлаб турибди. Айтишларича, биринчи устун бундан 17 аср бурун Мисрдаги ибодатхоналарнинг биридан олиб келинган бўлиб, унинг баландлиги қарийб 20 метрга етади. Оғирлиги эса 200 тоннага тенг. Қизил гранитдан ишлаган устун 30 кун давомида ўрнатилган экан. Унинг пойида сангтарошлар томонидан турли тасвирлар битилган. От пойгаларидан тортиб, устунни ясаш ва ўрнатишгача бўлган жараёнлар қамраб олинган.

Истанбулдаги дастлабки сув иншооти ҳам шу майдонда жойлашган. Ушбу қудуқ олмон мутахассиси томонидан бунёд этилиб, султонга тортиқ қилингани лавҳга битилган.

Туркиянинг «ташриф қоғози»

Истанбулдаги миллий ширинликлар ва турфа зираворлар сотиладиган қадимий бозор, айтиш мумкинки, Туркиянинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланган. Агар бу ўлкага келган экансиз, "роҳат лукум" еб, "султон чой" ичмаган бўлсангиз, сафарингиз бекор ўтибди. Шу боис бизни мезбонлар эски шаҳар қисмидаги ширинликлар ва зираворлар савдосига ихтисослаштирилган Гаранд ва Миср бозорларига таклиф этишди.

Бу қадимий бозорларда турфа усулда тайёрланган лукумнинг барча хиллари, тайёрлаш технологияси санъат даражасига кўтарилган чойларни, шунингдек, зираворларнинг хоҳлаган турини топа оласиз. Тузланган зайтун меваси ва мойи, асалларнинг сараси ҳам шу ерда экан. Ўта хушмуомала сотувчилар "Хуш келдингиз!" дея чорлайди. Ўз маҳсулотининг таърифини келтириб, лукум узатади-да, кўз ўнгингизда чой дамлаб, қўлингизга тутқазади. Бундай такаллуфдан завқланиб, уларнинг раъйини қайтаргингиз келмайди. Чой устида суҳбатлашиб, ўзимизни таништирган бўламиз. Ўзбекистондан келганимизни эшитган сотувчилар худди ўз оға-иниларини кўрганидек хурсанд бўлади. Улар мамлакатимизни ота юртимиз, дея улуғлашиб, Ватанимизга бориш орзуси борлигини такрор-такрор айтишдан чарчашмайди.

Тўғриси, шу пайтгача чойларнинг кўп хилларини кўрганмизу, аммо кукунлисини билмас эканмиз. Истанбулда эса уларнинг тури сероб. Қон босимини пасайтирадиган, шамоллашнинг олдини оладиган, тетиклаштирувчи, ёшартирувчи, овқат ҳазмини енгиллаштирувчи...

Дўконлар жойлашган расталар қадимий ҳолида сақлаб қолинган. Гумбазлари эса шарқона меъморлик анъаналари асосида безатилган. Аксарият дўконлар пештоқида эса Туркия миллий байроғи илинган. Ҳатто, одамларнинг хонадонларида ҳам бунга кўп бора дуч келдик. Айтишларича, бу, ватанпарварлик белгиси экан...

Ўтмишга саёҳат қиласизми? Унда Пергага келинг!

Истанбулда тураржойлар нисбатан пастроқ қурилган бўлса, Анталияда бунинг аксини кўриш мумкин. Осмонўпар бинолар ниҳоятда кўп. Уй-жойлар қанчалик баланд тикланганига қарамай, томида бочкалар қалашиб ётибди. Қизиқсак, бу, қўёш батареялари ёрдамида иситиладиган сув сиғимлари экан.

Анталия — Туркиянинг энг иссиқ ҳудудларидан бири. Айни қиш мавсумида ҳам бу ерда ҳаво ҳарорати 20 даражадан баланд. Бу эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболли эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис маҳаллий аҳоли табиий газ бўлмаган ушбу ҳудуд учун қишин-ёзин ўз тафтини аямайдиган қуёш нурларини табиатнинг бебаҳо инъоми сифатида қадрлашади.

Қишда сайёҳлар оқими нисбатан камаяди. Бу табиий ҳол. Аммо пандемия таъсирида айни ёз фаслида ҳам меҳмонлар нисбатан кам бўлибди. Яъни ҳисоб-китобларга қараганда, сайёҳлар оқими 40 фоиз камайган. Лекин соҳа мутасаддилари қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. "Соғлом туризм сертификати дастури" доирасида сайёҳларга хавфсиз туризм хизматлари кўрсатиш таклиф қилинмоқда. Зеро, қиш мавсумида ҳам эшиги очиқ бўлган сайёҳлик объектлари бир талай.

Хусусан, Анталияда антик маданият ўчоқлари бўлган еттита объект сақланиб қолган. Перга қадимий шаҳри шулардан биридир.

Ушбу антик шаҳарга ташриф авваллида Анталия археология музейига кириб ўтишни тавсия қилган бўлар эдик. Сабаби бу ерда Перга ва Аспедос антик шаҳарларида олиб борилган қазишмалар чоғида топилган ноёб экспонатлар жой олган. Улар орасида уй-рўзғор буюмларидан тортиб, маъбуд ва ҳукмдорларнинг ҳайкаллари, қабр даҳмалари, улкан тош устунларгача бор.

Эътиборлиси, уларнинг барчаси мармардан ишланган бўлиб, ниҳоятда мураккаб нақшлар билан безатилганки, инсон қўли билан ясалганига ишонгинг келмайди. Лекин технологиялар ривожланмаган замонда бунёд этилган, баландлиги 1,5 — 4 метргача бўлган ҳайкаллар қўл меҳнати маҳсулидир.

Перга шаҳри харобаларида ҳам улуғворлик зуҳурлигини кўриб ақлинг шошади. Бу ерда шаҳар қалъаси, дарвозаси, бозор, ҳаммом, икки томони мармар устунлар билан безатилган марказий кўча, сув йўли ва канализация қувурлари сақланиб қолган. Фақатгина тошдан бино қилинган ушбу иморат ва иншоотларга боқиб, хаёлан ўтмишга саёҳат қиласиз...

Ғаройиб шаршара тилсимоти

Ўрта Ер денгиз соҳилида жойлашган Анталия ўзининг ғаройиб шаршаралари билан ҳам донг таратган. Юқори Дюден ва Қуйи Дюден шаршаралари шулар сирасига киради. Гид-ҳамроҳимиз Ҳусайнбий бизни Қуйи Дюден томон бошлайди...

Ушбу шаршара қаердан пайдо бўлгани ҳамон сирлигича қолмоқда. Айтишларича, у Анталиядан ўттиз километр узоқликда жойлашган Дюден дарёси ирмоғидан бошланар экан. Шаршара юқори босим билан ер остидан отилиб чиқиб, чамаси 40 метрлар баландликдан отилиб тушади. Сув томчилари зарраларга бўлиниб, қуёш нурларида ўзгача жилоланади ва ажойиб манзара намоён бўлади. Айни чоғда шаршара овози қирғоқдаги тошларига келиб урилаётган денгиз тўлқинлари шовқинига омихталашиб, гўзал оҳанглар ҳосил қилади. Қулоққа хуш ёқувчи бу товушлардан қалбингиз завқ-шавққа тўлади.

"Пандемия шароитида туризм" лойиҳаси доирасида Ўрта Ер денгизи соҳилида жойлашган Жумҳурият майдони, ўзида 300 йиллик тарихни жо қилган қадимий шаҳардаги аҳоли турар-жойлари, юзлаб кема ва қайиқлар қўналғаси бўлган қадимий бандаргоҳ билан ҳам яқиндан танишиб, Туркиянинг сайёҳлик салоҳиятидан воқиф бўлдик, олам-олам таассурот олдик. Шу аснода хавфсиз туризм таомилларига кўра, сайёҳлар учун намунали хизматлар кўрсатилаётганига амин бўлдик.

Ҳа, хавфсиз туризм йўлга қўйилган, дейиш учун асослар етарли. Чунки самолётдан аэропортгача, йўловчи автотранспортидан меҳмонхонагача, шунингдек, барча сайёҳлик объектларида хавфсизлик чоралари кўрилган. Масалан, сафаримиз якунида соғлиқни сақлашга масъул вазирлик мутахассислари биз жойлашган меҳмонхонага келиб, ҳар биримиздан "COVID-19"га тест олди. Мезбонлар тест натижалари "манфий" чиққанига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина бизни аэропортга кузатиб қўйдилар.

Биз, ўзбекистонлик журналистлар карантин чоралари кучайтирилган шароитда Туркия бўйлаб саёҳат қилиб, коронавирусни юқтирмасдан ортга қайтдик. Буни эса "Соғлом туризм сертификати дастури"нинг амалий самараларидан бири сифатида изоҳлаш мумкин.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» махсус мухбири.
Тошкент — Истанбул — Анталия — Тошкент

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6